

---

## МАРҒИЛОН ШАҲРИДА «ЎЗБЕКИСТОН — ЁШЛАР МАМЛАКАТИ» ШИОРИ ОСТИДА КОНЦЕРТ ДАСТУРИ БЎЛИБ ЎТДИ

Бугун шаҳримиздаги «Ижодкорлар боғи» майдони юрагида юрт ишқи ёнган ёшлар ҳамда ҳамшаҳарларимиз билан тўлди. “Ўзбекистон – ёшлар мамлакати” шиори остида ташкил этилган ушбу тадбир дастури доирасида Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси лойиҳаси мазмун-моҳиятини тушунтиришга қаратилган ёшлар сайли ҳамда гала-концерт бўлиб ўтди.

Тадбирда сўз олганлар мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида изчил ислохотлар амалга оширилаётганлигини эътироф этиб, янги таҳрирдаги конституциянинг мазмун-моҳияти ҳақида тўхталиб ўтдилар.

Гала-концерт дастури доирасида элимиз суйган хушовоз хонанда Гуласал Абдуллаева ҳамда таниқли санъаткорларнинг дилрабо дил оҳанглари, жаҳон миқёсида ўтказилаётган турли спорт мусобоқаларда шаҳримиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келаётган спортчи ёшларнинг мардонавор чиқишлари тадбир иштирокчиларига янада кўтаринки кайфият улашди.

2023-04-26 20:40:45